



2020 у « 2 » октябрь

№ К-552

« ____ » 20__ г

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2020 йил 29 сентябрдаги “Маиший ва қурилиш
чиқиндилари билан боғлиқ ишларни
бошқариш тизимини янада такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4845-сонли
қарорининг ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги
“Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш
тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-4845-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 сентябрдаги
“Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш
тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги
ПҚ-4845-сонли қарори (кейинги ўринларда – қарор) раҳбарлик ва ижро учун
қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан:

Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги
ўринларда – Давлат экология қўмитаси), Давлат-хусусий шерикликни
ривожлантириш агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг
худудларда майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширишда
давлат-хусусий шерикликнинг янги моделини босқичма-босқич жорий этиш
тўғрисидаги таклифлари маъқулланганлиги;

бунда, давлат шериги – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Давлат экология
қўмитасининг худудий органлари билан хусусий шерик йўртасида
тузиладиган давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ:

а) давлат шериги томонидан:

майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат
кўрсатиш учун тегишли худудлар хусусий шерикка бириктириб берилиши;

давлат корхоналари ҳисобидаги чиқинди полигонлари чиқиндиларни
сарадаш ва қайта ишлаш бўйича технологияларни татбиқ этган ҳолда

қўшимча равища капитал қўйилмалар ва инвестицияларни жалб қилиш шарти билан хусусий шерикка узоқ муддатга фойдаланишга берилиши;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида хизмат кўрсатишга ихтисослашган давлат корхоналари ҳисобидаги маҳсус автотранспорт воситалари ва техникалари хусусий шерикка етти йилгача муддатга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан баҳоловчи ташкилотлар томонидан белгиланган нархларда сотилиши ҳамда лойиҳа якуни бўйича тўловлар тўлиқ тўлаб бўлинганидан сўнг уларни тасарруф этиш ҳукуки хусусий шерикка ўтказилиши;

б) хусусий шерик томонидан қўйидаги мажбуриятлар олиниши:

ўзига бириктириб берилган ҳудудда яшовчи аҳолининг қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик битимиға мувофиқ инвестициялар киритиш ва санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмасини ривожлантириш;

маҳсус автотранспорт воситалари ва техникалари ҳаракати ҳамда чиқинди полигонларини реал вақт режимида давлат шериги томонидан назорат қилиш имконини яратиш;

қаттиқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар учун жисмоний ва юридик шахслардан тасдиқланган нархларда мажбурий тўловлар йиғилишини ва уларнинг ҳисобини юритиш бўйича давлат шериги томонидан яратилган ягона электрон тизимга уланилишини таъминлаш;

давлат-хусусий шериклик битимида белгиланган муддатларда чиқиндиларни саралаш (қайта ишлаш) технологияларини ўрнатиб, ишга тушириш;

2020-2021 йилларда майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатиш соҳасида амалга ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича “йўл харитаси”;

2020-2021 йилларда маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобидан қурилиш ва майший чиқинди полигонларини қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича манзилли дастурлар;

Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан 2020-2021 йилларда чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида эришилиши таъминланадиган мақсадли индикаторлар тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Вилоят Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Б.Ўрунов) вилоят Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармаси (Э.Авазов), вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Хурсанов), Термиз шаҳар ва барча туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

а) куйидагиларга эришилишини таъминласин:

аҳолини майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар билан қамраб олиш даражасини жорий йил якунига қадар 90 фоизга, 2021 йил якунига қадар 100 фоизга етказиш;

қаттиқ майший чиқиндиларни қайта ишлаш ҳажмини жорий йил якунига қадар 21,8 фоизга, 2021 йил якунига қадар 36,5 фоизга етказиш;

майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини ташкил этиш соҳасида хусусий сектор улушкини 2022 йил якунига қадар 50 фоизга етказиш;

б) давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида маҳсус автотранспорт воситалари ва техникаларни сотишдан келиб тушадиган маблағларнинг маҳсус банк ҳисоб рақамида жамланишини таъминласин ҳамда уларни маҳсус автотранспорт воситалари ва техникалар паркини янгилашга, шунингдек, халқаро молия институтларидан давлат кафиллиги остида олинадиган кредит маблағлари бўйича мажбуриятларни сўндиришга йўналтирилишини таъминласин.

4. 2021 йил 1 январдан бошлаб қуидаги тартиб жорий этилганлиги эътироф этилсин:

а) бинолар ва иншоотлар, шу жумладан, йўллар ва муҳандислик коммуникацияларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ёки бузиш ишларида (кейинги ўринларда – қурилиш ишлари) ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари биринчи навбатда такрорий фойдаланиш, қайта ишлашга ёки утилизация қилишга йўналтирилади;

б) қурилиш ишлари амалга оширилаётган обьект жойлашган худудда (туман ёки шаҳар) қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва қайта ишлаш учун тегишли технология ва кувватларга эга корхоналар мавжуд бўлмаган тақдирдагина уларни белгиланган тартибда чиқинди полигонларига жойлаштиришга йўл қўйилади;

в) қурилиш ишлари бўйича лойиҳа хужжатларини ишлаб чиқиша қурилиш жараёнида ҳосил бўладиган қурилиш чиқиндилари ҳажмларини ва уларни тўплаш жойларини белгилаш, шунингдек, улар билан боғлик ишларни амалга ошириш бўйича лойиҳавий ечимлар назарда тутилади;

г) янги қуриладиган кўп хонадонли уйлар жойлашиши режалаштирилган турар жой зоналарида:

майший чиқиндиларни тўплаш шохобчаларини ташкил этишга бўлган талаб майший чиқиндилар билан боғлик ишларни амалга ошириш соҳасида мазкур худудга хизмат кўрсатувчи ихтисослашган ташкилот билан биргаликда ўрганилади ва қурилиш учун ер участкаларини ажратиш (танлаш) материаллари, лойиҳаолди ва лойиҳа хужжатларининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш материалларида назарда тутилади;

хонадонлар сони 300 тадан ортиқ бўлган кўп қаватли уй-жойлар майший чиқиндиларни тўплаш шохобчалари билан таъминланмаган бўлса, фойдаланишга қабул қилишга рухсат берилмайди;

д) қурилиш ишларини амалга ошириш натижасида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндиларининг мулкдори бўлган юридик ва жисмоний шахсларга қуйидаги мажбуриятлар юкланади:

қурилиш ишлари олиб борилаётган объектларда ҳосил бўладиган чиқиндиларни сараланган ҳолда тўплаш ва вақтинча сақлаш;

қурилиш чиқиндиларини уларни тўплаш, ташиш, утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи юридик шахсларга топшириш, реализация қилиш ёхуд бу ишларни ўз кучи билан амалга ошириш;

қурилиш чиқиндилари полигонларга жойлаштириладиган тақдирда чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизмат қўрсатишга ихтисослашган ташкилотлар ёки чиқинди полигонига эга бўлган ташкилотлар билан тегишли шартнома тузиш;

е) қурилиш чиқиндиларини ташиш билан шуғулланувчи юридик ёки жисмоний шахслар мазкур хизматларни қўрсатишда уларнинг қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ва (ёки) қайта ишлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга топшириш (реализация қилиш) ёхуд чиқинди полигонига жойлаштиришни назарда тутувчи ҳужжатларга эга бўлиши лозим.

5. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (А.Исмоилов) вилоят Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси (Б.Ўрунов), вилоят Транспорт бошқармаси (А.Хўжамқулов), вилоят Давлат солиқ бошқармаси (С.Эшматов), вилоят Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази (А.Мустанов), Термиз шаҳар ва барча туманлар ҳокимликлари билан биргаликда:

ушбу қарор ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан назорат ва тарғибот ишларини кучайтирсин;

маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни комплекс амалга ошириш кластерларига бириктирилган ҳудудларда чиқиндиларни тайёрлаш (сотиб олиш, қабул қилиш), ташиш ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолиятга оид қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

6. Вилоят ҳокимининг айrim қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

7. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Суванкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими

Т.Боболов





Вилоят ҳокимининг
2020 йил 2 օктябрдаги C-552 сонли
қарорига илова

Вилоят ҳокимининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартиришлар
ва қўшимчалар

1. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 майдаги “Маишӣ чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3730-сонли қарорининг ижросини таъминлаш хақида”ги К-396 сонли қарорида:

а) 2-банднинг еттинчи ва саккизинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“маишӣ чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш фаолиятини амалга ошириш учун туман ва шаҳар ҳудудлари (кейинги ўринларда – ҳудудлар) тадбиркорлик субъектларига чиқинди тўплаш шохобчалари ва туташ ҳудудларида лозим даражадаги тозаликни таъминлаш, шунингдек, маишӣ чиқиндиларни мустақил равища саралаш шарти билан бириктириб берилади;

маишӣ чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматларини кўрсатиш учун ҳудудларни тадбиркорлик субъектларига бириктириб бериш танлов асосида, ноль ставкадан бошланувчи электрон аукцион йўли билан “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали ёки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида амалга оширилади”;

б) ўн бешинчи, ўн олтинчи, ўн еттинчи, ўн саккизинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2023 йил 1 январгача бўлган муддатга:

маишӣ ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар сотиб оладиган, мамлакатда ишлаб чиқарилган янги маҳсус автотранспорт воситаларини сотиб олганлик учун йиғимлардан;

маишӣ ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар бўшаётган маблағларни уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтирган ҳолда ер солигидан;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган, товарларни қадоқлаш ва жойлаш-ўраш учун биологик чирийдиган полимер материалларни ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнида фойдаланиш учун ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган технологик ускуналар,

эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар, хомашё ва материаллар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йифимидан ташқари);

маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида фаолият юритаётган ташкилотлар томонидан республикада ишлаб чиқарилмайдиган, ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган рўйхатлар асосида олиб кирилган маҳсус техника, технологик ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йифимидан ташқари) озод қилиниши белгиланганлиги қайд этилсин”.

Вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибияти етакчи мутахассиси Н.Тўракулов